

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Машраб НУРИНБОЕВ
сурат-лавҳаси.

Келажакимиз ворислари, эртаимиз эгалари бўлмиш ёш авлоднинг таълим-тарбияси, бахтли ҳаёт кечирмоғи йўлида амалга оширилайётган ислоҳотлар аллақачон ўз мевасини бера бошлади. Юртбошимиз Конституциямизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда “Бизнинг энг катта таянч ва суянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёш авлодимишдир” дея алоҳида таъкидлаганликлари ҳам бежиз эмас. Зеро, ҳар бир оила соҳиблари, ота-оналар ёшларимизнинг катта ҳаёт сари ташлайётган қадамлари янада шахдам ва дедил бўлишини истайди.

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАДИР

Ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий қадриятлари, анъана ва удумлари энг аввало, жамиятнинг етакчи бўғини ҳисобланган оилаларда шаклланади, тараққий этади. Шу маънода бизнинг мустақил давлатимиз Бош қомуси бўлмиш Конституциямишда бу муқаддас гўшага алоҳида эътибор қаратилиб, махсус боб бағишлангани ҳам бежиз эмас. Негаки, энг аввало, эзгулик илдизлари ҳам сиз, биз вояга етган, тарбияланган оилада томир отади.

Хўш, ҳар бир хонадоннинг устунни, чироғи деб таърифланган ота-оналар бу борада қандай ўрин тутади? Эътироф этмоқ керакки, бизда азалдан оиладаги маънавий ва моддий муҳит учун биринчи навбатда ота-она жавобгар бўлган. Ҳозир ҳам табиийки, ана шундай мақом сақланиб келмоқда ва Асосий Қонунда ҳар икки тараф, яъни ота ва онага, шунингдек, ўз нав-

батда фарзандларга ҳам катта масъулият юклатилган.

Оилада ҳам, жамиятда ҳам ота-оналарнинг ҳуқуқлари тенг эканлиги ҳаммамизга аён ҳақиқат. Лекин миллий урф-одатларимизга кўра, отани, яъни эркакни ҳурмат қилиш, қадрлаш аёл учун фарздор. Балки шу боис ҳам оналаримиз дастурхоннинг тўрига биринчи бўлиб падари бузрукворларимиз ўтиришларини ва сузилган таомни ҳам биринчи бўлиб уларнинг бошлаб беришларини бурч сифатида онгу шууримизга сингдиришгандир. Тасаввур қилинг, қайси бир халқда бундай салимий эҳтиром, қадр-қиммат кўрсатиш бор? Бу ажойиб одатга қадимдан фақат бизнинг Шарқда қатъий амал қилинганлиги манбаларда исботланган ҳам.

Кунни кеча муҳтарам Юртбошимиз Конституциямизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилиб келаятган 2013 йилни “Обод тур-

муш йили” деб номлаганликлари замирида айнан биз юқорида тилга олаётган улуғ қадриятлар бевосита акс этган десак, янглишмаймиз. Ободлик бизнинг миллатимиз қонига, жонига чуқур сингиб кетганлигини тарих мулкига айланган 21 йил, яъни неча асрларга татигулик истиқлол даври тасдиқлайди. Президентимиз мазкур маросимда Ўзбекистонимизнинг дунё ҳамжамиятида ўрни ва нуфузини ҳаётий мисоллар ва аниқ далиллар асосида таҳлил этиш баробарида, тинчлик-осойишталик, миллатлараро аҳиллик ва ҳамжихатликнинг ўрни нақадар улуғ эканлиги хусусида тўхта-лар экан, пировардида, бундан кейин бизнинг — озод ва обод Ватанимиз фуқароларининг олдида турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни бирма-бир санаб ўтди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари маҳалла-кўй, оилалардаги соғлом муҳитни сақлаш, ва энг асосийси, “ҳаётимизни янада

Муносабат

соғлом ва обод қилиш”да хотин-қизлар зиммасига ҳам жиддий вазифалар юкланишига алоҳида урғу бериб ўтди. Шундай экан, биз аёллар ҳар иккала жаба, яъни жамият тараққиётида ҳамда оилани мустаҳкамлашда ҳам фаол бўлмоқлигимизни даврнинг ўзи талаб қилаётир. Бунинг учун бизда имконият ва шарт-шароитлар етарли даражада таъминланган. Тилагимиз, аввало, кўнглимиз обод бўлсин!

Авезжон БЕКМУРОВА,
Гулжаҳон ДОШАНОВА,
Тошкент тўқимачилик ва
енгил sanoat институти
ўқитувчилари.

ҲИКМАТ

*Ота-она ўз фарзандига
Яратгандан энг аввало,
тахт эмас, бахт тилайди.*

Халқ нақли

ШИРИН ҲАЁТНИ ЗАҲАРЛАМАНГ!


Дунёнинг аксарият мамлакатларида ичкиликбозлик, кашандалик ва гиёҳвандлик каби инсон, насл-насабига ўта салбий таъсир этувчи зарарли одатлар, касалликлар ёшлар ўртасида кўпайиб бораётгани хусусида бонг урилайётгани бежиз эмас. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, одамлар онгига саломатликни сақлаш ўз кўлларида эканлигини сингдириш, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилишни тегишли қонунлар билан чеклашни ҳаётнинг ўзи, қолаверса, у ёки бу мамлакатдаги қонунчилик тажрибаси тақозо этмоқда.

Ҳаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича ҳар йили одам ўлдириш содир этилишига оид жиноятларнинг тўртдан бири — спиртли ичимликлар истеъмол қилиниши билан боғлиқ экан. Шунингдек, ичкиликбозлик билан боғлиқ касалликлар ва шикастланишлар оқибатида ҳар йили ер юзиде 2,5 миллион киши ҳаётдан кўз юммоқда. БМТ томонидан бугунги кунда спиртли ичимликлар тўлақонли психотроп моддалар қаторига киритилган.

Очилини айтганда, ичкиликбозликнинг жамият учун оғир иллат эканлиги барчамизга яхши маълум ва у билан боғлиқ муаммолар бизда ҳам кам эмас. Энг ачинарлиси шундаки, спиртли ичимликларни ҳали ҳаётда ўз ўрнини топмаган, фарзанд кўришга улгурмаган кўплаб ёшларимиз тўй-ҳашамларда, кўнгилочар жойларда, оилавий тантаналарда сира тап тортай истеъмол қилишлари одат тусига кириб бормоқда.

Масаланинг яна бир ачинарли ва

миллатимиз шаънига мутлақо номуносиб жиҳати шундаки, наслимиз давомчилари бўлмиш авлодларимизни дунёга келтирувчи аёллар, ҳали турмушга чиқмаган, фарзанд кўрмаган қиз-келиндар орасида ҳам бундай ичимликларни тантанали маросимлар баҳонасида истеъмол қилишни яхши кўрадиганлар, бунга



одатдаги ҳол деб қарайдиганлар ҳам кам эмас.

Ваҳоланки, спиртли ичимликнинг ёш организмга, айниқса, она организмга, ҳомилага ва эмизикли гўдак организмга салбий таъсири ҳақида бугунги кунда аҳолининг асосий қисми тўлиқ тасаввурга эга, десак муболага бўлмайди. Худди шунингдек, тамаки маҳсулотларини мунтазам равишда истеъмол қилиш, яъни кашандалик дунё аҳолиси ўртасидаги ўлим ҳолатларини келтириб чиқарувчи иккинчи сабаб эканлиги бугунги кунда тўла исботини топган.

Расмий маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда ер қуррасининг 1,3 миллиард аҳолиси кашандаликка мубтало бўлганлиги қайд этилган. Мунтазам равишда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, яъни кашандалик инсоннинг жисмонан ва руҳий физиологик жиҳатдан унга тобе бўлиб қолаётгани гиёҳвандликнинг энг

Қарор ва ижро

оғир шаклларида бири, деб расман тан олинган. Далилларга мувожаат этайлик: ҳаҳонда катта ёшлар ўлимининг 12 фоизи кашандалик — тамаки маҳсулотларининг оғир оқибатлари туфайли рўй бермоқда ва бунинг натижасида ҳар йили 5,4 миллион одам дунёдан кўз юммоқда. Кишини ларзага соладиган яна бир факт шуки, ҳар 6,5 дақиқада битта инсон тамаки чекиш билан боғлиқ бўлган касаллик туфайли ёруғ оламни тарк этмоқда. Агар шу ҳолат давом этадиган бўлса, 2030 йилга бориб, фақат тамаки сабабли ҳар йили 8,3 миллион нафар инсоннинг оламдан кўз юмиши мумкинлиги (бу кўрсаткич жами ўлим кўрсаткичларининг 10 фоизини ташкил этади) баҳорат қилинмоқда.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланган, 2011 йил 5 октябрь кунини Ўзбекистон Президенти томонидан имзоланган ҳамда жорий йилнинг 6 апрелидан бошлаб қучга кирган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонун беқиёс ижтимоий-сиёсий аҳамиятга моликдир. Ушбу Қонун фуқароларни, айниқса, 20 ёшга тўлмаган ёшларни алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши аҳоли саломатлигини муҳофазалашда муҳим омил саналади ва Ўзбекистон Республикасида фуқаролар соғлигини сақлашга оид давлат сиёсатини белгилайдиган мавжуд қонунчилик базасини тўлдирди. Қолаверса, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган турли касалликлар, ўлим ҳолатларининг, айрим хавфли ўсма касалликлари, айниқса, нафас тизимида учрайдиган хавфли ўсмаларнинг, тугма ва оғир ногиронликнинг камайишига олиб келади ва келажак авлодларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам ақлий жиҳатдан соғлом, юксак интеллектуал салоҳият эгаси бўлиб улғайишининг кафолати бўла олади.

Нодира ШОЖАЛИОВА,
Тошкент давлат юридик
институтини ўқитувчиси.
Акбар ТОШТЕМИРОВ,
ТДЮИ талабаси.

Ж а р а ё н

БИОМЕТРИК ПАСПОРТЛАР ТОПШИРИЛЯПТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2009 йил 23 июлда қабул қилинган Фармон бандлари ижросини бажариш мақсадида Оҳангарон тумани ИИБ маъмурий биносиде биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори химоя даражасига эга фуқаро паспортларини тайёрлаш ва эгаларига топшириш қизгин давом этмоқда.

Ҳафтанинг пайшанба кунлари мутахассисларимиз туманимиз ҳудудида жойлашган барча қишлоқ ва маҳаллаларда дунё стандартлари асосида тайёрланган янги паспортнинг афзал ва қулай жиҳатлари тўғрисида батафсил тушунтириш ишларини олиб боришяпти. Эътиборли томони, мустақил давлатимиз фуқаролигини тасдиқловчи ушбу муҳим ҳужжат биринчи навбатда кексалар ва ногиронларга, паспорт олиш ёшига етган ёшлар ҳамда алмаштириш мuddати келганларга берилмоқда.

Шунингдек, туман ФХДЁ бўлими ва маҳалла тизимида фаолият юритаётган ходимлар билан биргаликда никоҳ ёшига етган йигит-қизларни ўз вақтида паспортларини алмаштиришга жалб этишимиз ҳам бу жараёнда яхши самара бераётир. Чунки расмий никоҳдан ўтганларга нисбатан қисқа мuddат ичида паспорт топшириш йўлга қўйилган. Асосий мақсадимиз, фуқароларимизга имкони борича энгиллик яратиш билан бирга, уларнинг ортиқча овора бўлишига йўл қўймасликдан иборат. Шу давргача тўрт минг нафардан кўпроқ оҳангаронлик фуқаролар янги биометрик паспортга эга бўлишди.

Ҳаҳонгир МАМАДЖОНОВ,
Оҳангарон тумани ИИБ
паспорт бўлими бошлиғи,
капитан.

ЮРТ ЗИЙНАТИ

Сариосиё туманидаги ободонлаштириш бўлими фаолиятдан кўпчилик миннатдор. Аҳил жамоада қарийб саксон нафар киши хизмат қилади. Улар йил бошидан буён очик майдонлар, йўл четларига икки ярим минг туп турли хил гул кўчатларини экишди ва парварши қилишмоқда.

— Ободонлаштириш мавсумий эмас, балки доимий олиб борилиши керак бўлган ишдир, — дейди бўлим раҳбари Турсунпўлат Тошмирозев. — Шу боис ҳам ишчи-хизматчиларимиз йил бўйи узлуксиз ишлайдилар ва ободонлаштириш маромини таъминлайдилар. Ўтган даврда 18 минг квадрат метр ҳажмдаги ариқ-зовурларни тозалаб, 400 тоннадан зиёд чикиндиларни ташиб чикардик. Бундан ташқари, ходимларимиз 8 тонна темир-терсақ, 450 килограмм рангли металл ҳамда бир тоннадан кўпроқ қороз тўплашди.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,
“Оила ва жамият” мухбири.
Сурхондарё вилояти.

ҲАММИЗ ЖАВОБГАРМИЗ

Халқимиз ўт балосидан асрасин, деган нақлни бежиз айтмаган. Албатта, бунинг замирида катта маъно бор. Зотан, оловни тилсиз ёв ҳам дейишади. Шунга қарамасдан айрим кимсалар бу балога нисбатан бефарқ бўлишмоқда.

Ёнғиннинг олдини олиш борасида оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда оғоҳлантирувчи эълонлар бериб борилса-да, барибир кимнингдир лоқайдлиги боис ёнғинлар содир бўлаётир. Ёнғиннинг беаёв куч эканлини, у кутурса даҳшатли балога айланиши мумкинлигини умр бўйи йиғган мол-дунёни олов домига тушиб, бир зумда куйиб қулга айланган кишилар яхши билишади.

Ёнғин хавфсизлиги ходимлари республикамизда ёнғин хавфсизлиги ойлари ўтказилаётган айни шу кунларда уйма-уй юришиб, ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этиш борасида тушунтириш ишларини олиб боришаётир. Ундан кўзланган мақсад аҳоли ва давлат мулкни ўт балосидан асраш.

Айниқса, қурилиш майдонлари бирламчи ёнғинга қарши воситалар билан таъминланиб, шай ҳолатга келтирилиши, у ердан ўтган юқори кучланиши электр манбаларининг яхшиланиши, қурилиш ишларида жалб этилган шахсларни оғоҳлантириш мақсадида жойларда ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилгани — буларнинг барчаси содир бўлиши мумкин бўлган кўнгилисизликларнинг олдини олишда қўрилайётган муҳим тадбирлардан ҳисобланади.

Раҳматилла САЙДАЛИЕВ,
Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ
10-ХЕҲО 18-ХЕҲХ катта инспектори, сержант.

Ёнғин хавфсизлиги ойлари

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ҚИММАТГА ТУШАДИ

Маълумки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, шу йилнинг 20 ноябрдан 20 декабрига мамлакатимизда “Ёнғин хавфсизлиги ойлари” ўтказилмоқда. Шу муносабат билан ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари маҳаллаларда, ташкилот ва муассасаларда бўлишиб, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлигига риоя қилиш борасида тарғибот ишларини олиб боришмоқда.

Учрашув ва мулоқотларда, айниқса, қишнинг қорли-қировли кунларида хонадонлар ва муассасаларда турли қўлбола электр ва газ плита асбоб-ускуналаридан фойдаланиш ёнғиннинг келиб чиқишига сабаб бўлиши ва оғир-оқибатда бу нарса давлат ва аҳолининг моддий бойликлари ҳамда инсонларнинг ҳаётига катта хавф туғдириши борасида фикр юритилмоқда.

Бунди, олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга қарамай, баъзи ҳолларда аҳоли хонадонлари ва турли давлат объектларида ноҳуш ҳолатлар ҳам рўй бериб турибди. Демак, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилиб бориши мақсадга мувофиқдир. Ҳа, тилсиз ёв бўлган олов, арзибепарволик оқибатида рўй беришини ҳеч қачон ёддан чикармайлик.

Комронбек ЖўРАЕВ,
12-ХЕҲО, 23-ХЕҲХ смена бошлиғи, лейтенант.



маган эҳтиётсизлик, қачон ёддан чикармайлик.

Ҳуқуқ

Маълумки, куни кеча мамлакатимиз ахли Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги тантаналарини шодмонлик, кўтарналик кайфият билан нишонлади. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, Конституция — бу ота-боболаримиз, халқимизнинг азалий армонлари ва эзгу мақсадлари рўйбидир, десак асло муболага бўлмайди. Гарчи "конституция" сўзи турли даврларда ҳар хил маъноларда талқин этилган ва қўлланилган бўлса-да, бугунги кунда у олий юридик кучга эга, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг пойдеворини ташкил этадиган, ўзгартириш ҳамда айрим қўшимчалар киритиши қатъий назорат қилинадиган Асосий Қонунни англатади.

Айтиш керакки, мустақилликнинг илк йилларидаёқ давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳнамолигида қабул қилинган Конституциямизда демократик ҳуқуқий давлат,

адолатли фуқаролик жамиятининг қиёфаси, унинг ўзига хос хусусиятлари тўла-тўқис ўз ифодасини топган. Булар, албатта, демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари саналиб, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлили-

Бош Қомусимизнинг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланган, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик

Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир.

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан

ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

ги, давлат ва жамиятни бошқаришда қонун устуворлиги, давлат ҳокимияти органларининг сайловлар асосида шакллантирилиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши каби шаклларида намоён бўлади.

Таъкидлаш керакки, Бош Қомусимизда инсоннинг ёши, миллати, ирки ва ижтимоий аҳолига оид ҳеч қандай чеклашлар қўйилмаган. Ваҳоланки, бошқа айрим мамлакатларнинг конституциясида тил билиш ва шу ерда муқим яшаш борасида чекловлар борлигини кўпчилигимиз яхши биламиз.

ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади", дея ёзиб қўйилган. Дарҳақиқат, Бош Қонунимизда инсоннинг ҳаётдаги энг муҳим эҳтиёжларини таъминловчи имкониятлар — яшаш, шахсий дахлсизлик, суд жараёнларида шахс манфаатларини ҳимоя қилиш, турар-жой дахлсизлиги, бир жойдан бошқа манзилга эркин кўчиш, фикрлаш, эътиқод, сўз ва виждон эркинлиги каби бир қатор ҳуқуқлар қонун йўли билан қамалганлигининг ўзидан энг адолатли ва инсонпарвар

ҳужжат эканлигини, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаб қўйилганлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Бош Қонунимизнинг 66-моддасида "Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғам-хўрлик қилишга мажбурдирлар", дея таъкидланади. Сир эмаски, ўзбек оиласида фарзандни вояга етказиб, унга етарли таълим-тарбия ёки хунар ўргатиб, сўнгра уни уйлантириш ёки турмушга уратиш ота-она учун ҳам қарз, ҳам фарз

ҳисобланади. Ўз навбатида ота-она кексайган чоғида уларга меҳр-оқибат кўрсатиш, парваришлар ҳар қандай фарзанднинг бурчидир. Шу маънода, Конституциямиздаги оиллага бўлган эътибор ёки фарзандларнинг ота-онага муносабати хусусидаги қондалар халқимизнинг онгида кўп асрлардан буён шаклланган урф-одат ва анъаналаримизнинг бир бўлагига айланган, қолаверса, умумэтирофга сазовор бўлган қадриятларимиз ўз ифодасини топанганини кўрсатади.

**Доноҳон ИШОНОВА,
Шайхонтоҳур туман
1-сонли ДНИ катта
нотариуси.**

Хотин-қизлар қўмиталарида

ҚЎРҒОН ЗАВОЛ КЎРМАСИН

Халқимизнинг оилавий маданият, фарзанд тарбиясида неча минг йиллик мустаҳкам ўз таъриби мактаби бор. Кексаларга ҳурмат, ёшларга иззат кўрсатиш бу халқнинг ҳаёт тарзига, тийнати, фитрига сингиб кетган одатлардир. Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда бу масаланин ҳамиша долзарб этиб қўйилиши ҳам бежиз эмас. Асосий тарбия ибтидосида эса оталар ва оналар турадилар.

Бу борада, хусусан, онанинг ўрни бўлакча эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Олис замонлардан то ҳозирга қадар ўзбек оналари буюқ фарзандларни тарбиялаб вояга етказишганки, булар ҳақида ҳар қанча гапирсангиз, шунча оз. Зотан, улуг Ҳадиси шарифда "Жаннат оналар оёғи остидадир", дейилишида ҳам буюқ ҳикмат мужассам. Айтилган барча мақтовлар, тавсифлар уларни янада юксакликка кўтаради.

Бирок... шולי курмасиз бўлмагани каби, ўзбек аёли шаънига муносиб бўлмаган баъзи ҳолатларга ҳам юзма-юз келаямизки, бундан кишининг дили озорланади. Бугун айрим аёлларимиз гулдек фарзандларини, катта ниятлар билан қурилган оиласини ташлаб, пул, бойлик топмоқ илинжида хорижий давлатларга чиқиб кетмоқдалар. Қайси нуқтадан туриб қарасангиз ҳам, тайинли-тайинсиз одамлар билан мардикорчиликка йўл олган аёлларни оқлай олмайсиз, оқлаб бўлмайди ҳам. Хорижга чиқиб кетган аёл эрта бир кун пул топиб келар, балки сарсон-саргардонликда йўл босиб, охир бир кун қайтиб келар. Бирок унинг шу кетишидан ҳосил бўладиган зарарининг, иллатнинг миқдорини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди...

Биринчидан, узоқ юртларга қўлидан тайинли иш келмайдиган кексалар кетишмайди. Навқирон, уч-тўрт гўдакнинг онаси бўлганлар йўл олишади. Ўз-ўзидан равшанки, болалар тарбияси ўзгалар қўлида қолади. Ёки умуман қаровсиз қолади. Иккинчидан, болалари, эрини уйда қолдириб номаълум томонларга ишга кетган аёлнинг кейинги оилавий ҳаёти қандай бўлади? Бу кейинги вақтда ниҳоятда жиддий муаммага айланиб бораётганлиги ҳам сир эмас. Хуллас, мўмай даромад топиш қўйида узоқларга кетганининг бу қадами фой-

дадан кўра зиённи олиб келмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Ҳаётда бунинг исботини кўрагимиз ҳам.

Биз жойларда бўлганимизда оилани, гулдек фарзандларни ташлаб, узоқ ўлкаларни ихтиёр қилиш қулликни ихтиёр қилиш билан баробар эканлиги ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб бораёғимиз. Минг афсуски, улар орасида бизнинг туманимизда фуқаролари ҳам бор. Бу каби салбий ҳолатларнинг минбаъд юз бермаслиги учун туманимиздаги 49 та маҳалла фуқаролар йиғинида профилактика инспекторлари, диний маърифат ва маънавий-ах-



лоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларимиз билан биргаликда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб бораёғимиз. Хотин-қизларимизга энгил-елли ҳаёт, мўмай пул ҳақидаги хомхаллар ортидан эргашиб, узоқ юртларга йўл олиш, оилани, фарзандларни тақдир ҳукмида қолдириб кетишининг аянчили оқибатларини ҳаётий мисоллар асосида тушунтираямиз. Бинобарин, хотин-қизларимизни одам савдоси жинояти билан шугулланувчиларнинг алдовига учмасликлари ҳақида доимий равишда огоҳлантириб бораёғимиз.

Дарҳақиқат, оила буюқ кўргондир. Унинг мустаҳкамлигини, безаволигини таъминлаш, энг аввало, оналаримизга, аёлларимизга катта масъулият юклайди. Оилада юз берган маънавий емирилиши, фарзандлар тарбиясида бой берилган узилишлар, ҳосил бўлган жарликларни на пул, на бойлик билан тўлдириб бўлади. Ушбу ҳақиқатни унуттишга ҳеч биримизнинг ҳақимиз йўқ.

**Жамила ХУДОЙҚУЛОВА,
Қизирик тумани ҳокими
ўринбосари, хотин-қизлар
қўмитаси раиси.
Сурхондарё вилояти.**



ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги арафасида Жиззах шаҳрида янги корхоналар сафи яна биттага кўпайди. "MIR-ULUGBEK-MX" МЧЖ негизида ташкил этилган пайпоқ ишлаб чиқариш корхонаси фойдаланишга топширилди.

Умумий қиймати 1 миллиард 150 млн. сўмни ташкил этган корхонада йилига 2 миллион 500 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқарилади. 741 млн. сўм банк кредити ва 409 млн. сўм ўз маблағи ҳисобидан ажратилган сармоёга Хитой Халқ Республикаси технологияси келтириб ўрнатилди. Натижада 56 та янги иш ўринлари яратилди. Ишга жойлашганларнинг 70 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Айни кунда мазкур корхонада ҳам хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда.

Жиззах шаҳар "Тошлоқ" маҳалласи ҳудудида жойлашган мазкур корхонанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Тошкент шаҳри ва мамлакатимиз вилоятларида "Ҳуқуқий давлатни ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шаклланишида ОАВнинг ўрни" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги Омбудсман институтини, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Фридрих Эберт жағфармаси ҳамкорлигида амалга оширилди. Куни кеча республика Хотин-қизлар қўмитасида мазкур лойиҳа якунларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тренинг доирасида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури, оила институтини қонунчилик, давлат ва нодавлат органлари, ОАВнинг оила ва никоҳни мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, шунингдек, мазкур масалаларни самарали ҳал этиш ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўллари муҳокама этилди.

ФХДЁ фаолияти

ИНСОН БАХТИ — САЛОМАТЛИКДА

... Опа-сингилнинг бир-бири билан қўли билан бўлиши келгуси авлодни нафақат туғма ногиронлик гирдобига, қолаверса, бир умрлик изтироб исканжасига отди. Вақти-соати етгач, улар набиралик бўлишди. Аммо... бошда соғлом кўринган чақалокнинг кейинги ҳаёти қандай бўлишини улар тасаввур ҳам қилолмаган эдилар.

Ўғилдаги тез-тез рўй берадиган тутқаноқ касали, қизининг жисмонан заифлигини кўрган эр-хотин шифохонама-шифохона югуравериб чарчашди. Бирок, бу елиб-югуришларининг қани энди нафи бўлса? Хуллас, қудачилик минг йилчилик, дея жар солган опа-сингиллар эндиликда аросатда қолишди. Ҳа, оилада жисмонан соғлом фарзандлар дунёга келишини, туғма ногиронлик бўлмастлигини ўйлашганда бу опа-сингиллар фарзандларини ўртасидаги никоҳга экинор йўл қўймаган булар эдилар...

ФХДЁ бўлимимиз ходимлари ҳудудимизда шу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллаларда, лицей-коллеж битирувчилари ҳамда ёш оила қурувчилар иштирокида мунтазам равишда учрашув, семинарлар ўтказиб келишяпти. Жумладан, "Ёш оила" дорилфунунида йил мобайнида 24 марта машғулот ўтказилиб, ёшларнинг оила қуриш борасидаги билим ва тушунчаларини ўргандик. Айниқса, бу борада малакали шифокорлар, қайбони онахон-отaxonларнинг маслаҳатлари бизга жуда қўл келмоқда. "Аёл ва Конституция", "Соғлом она — соғлом бола", "Никоҳ—муқаддас", "Қудачилик — минг йилчилик" каби долзарб мавзуларда ўтказилаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Йил бошидан буён шаҳримиз бўйича 780 нафар ёшлар қонуний никоҳ ришталарини боғлаган бўлсалар, 1550 нафар чақалок шунча оилаларга қувонч келтирди. Ҳа, фарзандларимизнинг соғлом ҳаётга келиши ва улғайиши барчамизнинг бахтимиз, камолимиздир.

**Малика ШАРИПОВА,
Бекобод шаҳар ФХДЁ бўлими 1-тоифали мутахассиси.**

Чинакам истеъдодга эга актёрлар шунчаки ўзларини кўрсатиш учунгина сахнага, экранга чиқмайдилар. Улар фақат ўйнаётган қахрамонларининг эмас, балки ўз дилсўзларини ҳам томошабинларга етказгиси, ўзлари англаб етган ҳақиқатлардан бошқаларни огоҳ қилгиси келади. Хар бир роль, образ улар учун навбатдаги имконият, қулай воситадир. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрами арафасида Президентимиз Фармонига биноан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвонига сазовор бўлган истеъдодли актёр Фахриддин Шамсиматов ижро этган ролларни томоша қиларканмиё, санъаткорнинг бизга айтмоқчи бўлган жиддий сўзлари борлигига амин бўлдик.

— Юртбошимиз томонидан шундай шарафли унвонга мушарраф бўлганимнинг ўзи, юртимизда санъат ва маданиятга бўлган улкан эътибор намунаси деб билман. Шу баҳонада алоҳида таъкидлашни истардим, кўп йиллик машаққатли меҳнатим самарасини ота-онам билан бирга баҳам кўриш насиб этганидан гоят бахтиёрман, — дея сўз бошлади суҳбатдошимиз. — Инсон эоти борки, умри давомида нимагадир интилиб, ниманидир орзу қилиб яшайди. Ахир, ҳаёт шу билан қизиқ-да. — Ишларим юришмай, роллар ўйнамай кўйганимда, тўғриси-ни айта қолай, шу касбни танлаганимдан афсусланган пайтларим ҳам бўлди. Кези келганда қилаётган ишимдан севиндим, баъзан эса умуман лоқайдлик билан қарадим. Ҳўши битириб, ишга жойлашганимдан бери турли йўналишлардан ишладим. Бу ҳам mening бахтимдир балки. Роллар, телевидениедаги режиссёрлик ишим, дубляж, кадр ортидан овоз бериш — ҳаммаси бир-бирига уланиб кетди. Аммо барига улгуришга ҳаракат қилдим. Баъзан мени таниган-билганлар: “Иш жадвалинг шунчалик тигиз-а, оиланг, бола-чақанга ҳам вақт ажратма оласанми?” деб сўрашадиям. Одам хоҳласа, ҳаммасига улгуради. Мен кўп ишлаб, кам ухлайман. Ёзишим керакми, соат неча бўлса ҳам аввал тугатиб, кейин дам оламан ва икки соатдан сўнг тонг отса, яна уйғониб ишга кетавераман. Сўёмка, монтаж, овоз бериш... буларнинг бари — ҳаракатдаги ижодкорнинг яшаш тарзи.

— Сизнингча, актёрлик бу фақат роль ўйнаш, телеэкран атрофида одамларни ушлаб туришдан иборатми, ёки сиз ўз касбингизга бошқа принциплар асосида ёндашасизми?

— Актёрлик бир қарашда ҳамма ҳавас қиладиган, қизиқадиган касбга ўхшайди. Лекин танганинг ҳам икки тарафи бор бўлгани каби, орзу бошқа, ҳаёт бошқа: Эртадан кечгача заҳмат чекиб, лоқал бир кунингизни фарзандлар ёки яқин қариндошларга ажратолмасангиз, баъзан эса ҳамма ухлаётган пайтда сиз туни билан эртага ўйнайдиган ролингизни ўйлаб мижжа қоқмасангиз, осонми? Тўғри, муҳлисангиз бизнинг яратган ижобий ролларимизга ҳавас қилади, унга қараб ўз ҳаёт йўлини изга солади. Салбий образлардаги хатолар, қусурларини кўриб, нафратланади, ўзига керакли хулосаларни чиқаради. Шундан келиб чиқиб айтманки, актёрликнинг нони ҳам жуда қаттиқ, чидаганга чиқарган.

— Айтинг-чи, бажараётган ишингиз ўзингизга мантисиз туюлган пайтлар ҳам бўлганми?

— Менга баъзан энди иш бошлаш арафасида турган ёшлар тушқунликка тушиб, “Бизга роль беришмаяпти,

Фахриддин ШАМСИМАТОВ:

ЁРУҒ КУНЛАРГА ИШОНГАНМАН

танловдан ўта олмадик, кинофильмларга тақлиф этишмаяпти, нима қилайлик?” дея савол беришганда, “Инсон аввало ният қилишдан, ҳаракатдан тўхтамаслиги керак, нима, сиз Фахриддин Шамсиматовга роллар енгилгина берилган-у, у хоҳлаган родини осонгина ижро этган, дубляж, кадр ортида овоз бериб, режиссёрлик қилиб танилиб кетган, деб ўйлайсизми?! Йўқ, мен ҳам неча марталаб

ганим, минглаб актёр синовдан ўтса ҳам, охир-оқибат мен ўйнашим мумкин. Чунки бундай ҳолатлар кўп учраган. Мен ишонч билан бориб, бу роль меники, деган жойимда ўтолганман ёки иккиланиб борганда кўплаб санъаткорларнинг ичидан айнан мени танлашган. Вақти келди, фильм режиссёри яқин дўстларимдан бирига сиз овоз бериб, деганда, ўзининг овози яхши, эртага мен берган овоздан унинг кўнгли тўлмай, орамизга совуқчилик тушмасин, дедим.

— Санъатда ўз йўлини топиш учун иқтидор, билим, тажриба, ўз устидан ишлашдан ташқари, омад ҳам керакми? Масалан, яхши режиссёрга рўбарў келиш, маҳоратли устозга учрашиш, бахт бўлса керак-а?

— Кимнингдир омади келди, ё келмади деб олдиндан қарор чиқариш, менимча, нотўғри. Чунки биров ёшлигида, ҳаммага мақтанадиган пайтда сурагига тушолмай,

энг сара родини ёши улгайгач ўйнаши ва халқнинг эътиборига тушиши мумкин. Яна кимдир гуриллаган ёшида зўр образларни талқин этиб, кейин умуман кўринмай кетиши ҳам бор гап. Омад ҳаммиша сиз билан бирга. Фақатгина биров уни тугатиб ола билади, бошқаси ўзининг манманлиги, кириби билан уни четга суриб қўяди. Институтда бўлиб ўтган учрашувлардан бирида талаба қиз: “Нега киноларга бизни тақлиф қилишмайди, нукул бир хил қиёфадаги артистлар суратга тушади”, деб савол берди. Мен унинг ўзидан “Хўш, кино олаётган режиссёрлар сизнинг борлигингизни билиши учун нима ишлар қилдингиз? Ҳеч бўлмаганда биттагина суратингизни киностудияга бериб қўйдингизми? Бирор мисра нимадир қоралаб олиб бордингизми? Режиссёр сиздек қиз санъат институтида ўқиётганини қайдан билсин?” деб саволига савол билан жавоб бердим. Кўраёписизми, айбни ўзгаларга юклаб қўйиш осонда. Бир марта боради, қайтарилганим, бошқа яқинлашмайди. Интилмайди. Қайта-қайта бораверини, нимага қодир эка-

Гурун г



КЎНОЛФА — қушлар кўниб, дам оладиган, туннайдиған жой, тилимизда “кўнолфа” сўзи билан ифодаланади.

Қушлар шомдан олдин кўнолғасига қайтадилар.

(Журналдан)

Сафардагилар тўхтаб, дам оладиган жой ҳам шу сўз билан аталади.

Битта кўнолғага ўтирдик хоргин, Юраклар музлаган кўллардай турғун.

Мақсуд Шайхзода

Шунингдек, бошпана, пана жой ҳам “кўнолфа” сўзи билан ифодаланиш ҳоллари тилимизда учрайди.

Олапар бошқа ёввойи ҳайвонлардан фарқли, кўнолғасига емиш кўтариб келишни билмас эди.

Нормурод Норқобиллов

СИНГАЛОК — “Сингалок” сўзи мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида халқ тилида тез-тез ишлатилади. Тўра Нафасовнинг “Ўзбек халқ сўзлари” китобида изоҳланишича, бу сўз инграсинграшни ўзига одат қилиб олган, йиғлоқ чақалоққа нисбатан қўлланилган. “Сингалок” сўзи асли “синграмоқ” сўзидан келиб чиққан бўлиши керак. “Навойи асарлари луғати”да “синграмак” сўзига изоҳ берилган. Унга кўра “синграмак” паст товуш билан дардли йиғламоқ деган маънони аналган.

Алла қилдим ингалогим, Нозиккина сингалогим.
Халқ кўшиқларидан

КЕЛИ — қадимги замонларда жўхори, бугдой, шолини янчадиган, ёғочдан ичини ўйиб ясалган уй жиҳози, яъни ўғир “кели” деб аталган.

Хотин жўхорини тўйиб бўлди, уни келидан тоғорачага солаётди дўнғиллади:

— Ҳавасга анор ейди дейсиз, шекилли.

Абдулла Қаҳҳор

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

“Оила ва жамият” муҳбири
Шаҳноза РОФИЕВА
суҳбатлашди.

— Инсондаги иккинчи қалб кўзининг очилиши унинг маънан ва рухан етуқлик даврига тўғри келади. Айниқса, доноларнинг "Ақл ёшда эмас, бошда" деган ҳикматли сўзларини тез-тез такрорлашни хуш кўраман, — дейди Гулчехра опа. — Мактабимизда бугунги кунда таҳсил олаётган, чин маънода мустақиллик фарзандлари бўлмиш ўқувчиларимга қараб, беихтиёр ўзимнинг болагим кўз олдимга келади. Бундай шинам ва ёруғ синф хоналари, компьютер жиҳозлари, кўркам бинолар ўрнида деворлари нураган, ўқиш учун на бир шарт-шароит, на имкониятлар бўлган жойларда ноилоҳликдан илм олишга мажбур эдик. Ўша даврларда ҳатто, ишонасизми, китоблар етишмасди. Синфдошларимиз билан бир-биримизнинг уйимизга бориб дарс тайёрлардик. Боиси ҳам ота-оналар ва устозларнинг бизга нисбатан талаби ниҳоятда кучли эди. Менинг отамни Пискентда танимаган одамнинг ўзи йўқ, десам муболага бўлмас керак. Абдижаббор ака дейишса, кўпчилиكنинг кўзи олдига қаттиққўл, сўзи билан иши бир фидойи инсон келиши табиий. Ҳатто оиламизда бизнинг ўзимиз ҳам чўчиб турардик. Тўғри, отам ўқитувчи ёки дўхтир эмас, аксинча, бир умр ҳайдовчилик қилган бўлсалар-да, деярли ҳар куни бизни таълим-тарбиямиз учун албатта вақт ажратиб, бажарган ишларимизни, олган билимларимизни эринмасдан текшириб чиқардилар. Бизлар эса ўша чоғда ўзимизни гўёки имтиҳон олаётган ўқитувчи қаршисида тургандек сезардик.

Орадан йиллар ҳам шамолдек тез ўтиб кетди. Мактабни битириш арафасида, биласиз, ҳар ёқдан билган-билмаган оилалардан совчилар кела бошлади. Ўша кунлари онам билан менинг ичимга чироқ ёқса ёришмайди. Нега десангиз, мен ўқишни давом эттирмоқчи эканимни зўрга онамга айтганман, у киши бўлса бу гапни отамга айтишдан кўрқардилар. Энг қизиғи, бир куни келган совчиларга отам насиб этса, кизимни олий маълумотли қиламан, аввал ўқишга кирсин, турмушга чиқиш қочмас, киз бола билимдон бўлса, борган жойи жаннатга айланади, деган мазмунда айтган гапларини эшитиб, шунақа суюндимки, асти кўяверинг. Шундан сўнг жиддий тайёргарлик кўра бошладим. Отанинг нияти барибир ижобат бўлар экан-да, ўша йили талаба бўлдим. Турмушга ҳам чиқдим. Ўқишни муваффақиятли битириб, шу мактабда тил ва адабиёт фанидан дарс бера бошладим.

— Шахсан сизнинг ташаббусингиз билан мактабда ташкил этилган "Қалб тарбияси" драма тўғараги фаолияти ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Эртамиз эгалари бўлмиш ёшларни маънан баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда санъатнинг ўрни беқиёс. Маълумки, мактабларда ўқув режасига мувофиқ, тасвирий санъат, мусиқа ва адабиёт фанлари ўқитилади. Жалолддин Румий ҳазратлари "Инсон ҳаётида ўрнини топиши учун ўз қалбига сафар қилсин, ҳамма нарса унинг ўзида

мавжуд", деб бежиз айтмаганлар. Қалб тарбиячиси эса шубҳасиз, санъатдир. Шунинг учун ҳам мактабимизда 2007 йили шу номда тўғарак ташкил эдик. Аввало, ўқувчилар билан бир ой давомида бирон асар ёки эртақ танланиб, матн устида ишланади. Сўнгра ролларга бўлиниб, тайёргарлик бошланади. Маълум бир асарни саҳнага олиб чиқиш учун камида бир ой вақт сарфланади. Асардаги воқеаларни тасвирлов-

мосини шу даражада ҳаётий тарзда талкин этдики, залда йиғламаган одам қолмади. Кейин биласиз, ўша ўсмирнинг ҳам онаси касалликдан вафот этган экану, устозларининг бу нохуш воқеадан беҳабарлиги мени қаттиқ хижолатга солди. Ана сизга санъатнинг куч-қудрати. Шундан сўнг бир куни ундан нега оилавий аҳволини яширганини сўрадим. У маҳзун оҳангда "Устоз, агар сиз менинг онам йўқлигини билганингизда



Замондошларимиз



ўқувчиларимизни пойтахт театрларига бепул таклиф этишади.

— Гулчехра опа, аёл киши учун энг аввало, ўз оиласи муқаддас маъво ҳисобланади. Шунча ташвиш-юмушлардан ортиб, ўз фарзандларингизга қандай вақт ажратасиз?

— Менинг назаримда биринчи навбатда сизни тушунадиган ва эъозлайдиган инсон билан яшаш энг улуг саодат деб ўйлайман. Шу маънода, йилларнинг дарёдай тез оқиб ўтганини қарангки, Баҳром акангиз билан 24 йил бўлибди турмуш курганимизга. Кимлар учундир бу балки кичик муддат ҳисобланар, лекин биз учун саодатли ва бетакрор йиллар бўлди, десам эрийдим. Албатта, ҳеч қачон бир киши оила аравасини тортолмайди, икки киши ҳамжиҳат, аҳил бўлсагина, рўзгор гуллайди, болалар ҳам шунга мос равишда тарбия топади. Кўз тегмасин, уч ўғилни тарбиялаб вояга етказяпти, ўқитяпти. Бунда албатта қайнонам Гулсара аянинг меҳнатлари беқиёс. У киши доимо менинг ёнимда маслаҳатгўй, сирдошим. Ҳатто мактаб билан боғлиқ масалаларда ҳам йўл-йўрик сўрайман. Энг ибратли томони, аямиз саксон ёшга қираётган бўлсаларда, ҳалиям китоб, газета-журналларни кўзойнақисиз ўқийдилар. Баъзан менинг ярим тунда ҳам дарс тайёрлаб ўтиганимни кўрсалар, раҳмлари келиб, қизим, бироз ором олинг, қолганини эртага давом эттирасиз, деб қолдилар. Она-жонимни Ҳурнисо буви дейишса, ишонасизми, иккаласининг аҳил-иноқлигини кўрганлар, қанийди, ҳамма куда-наллар шундай бўлишса деб ҳавас қилишади. Уларнинг дуолари нақадар азиз ва қимматли эканлигини фарзандларимга кўп бора уқтираман.

Гулчехра Муталова гурунг орасида Юртбошимиз Фармони билан шу йил ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида "Шухрат" медални билан тақдирланганидан боши осмонга етганини ва бу нуфузли мукофот нафақат ўзига, балки кадрдон мактаби жамоаси, қолаверса, тумандаги халқ таълими фидойилари меҳнатига берилган муносиб баҳо эканлигини алоҳида таъкидлади.

"Оила ва жамият" муҳбири
Нигора УРОЛОВА сўхбатлашди.

ДУОДА ҲИКМАТ, БИЛИМДА СИНОАТ КЎП

— дейди Пискент туманидаги 1- умумтаълим мактаби ўқитувчиси, "Шухрат" медални совриндори Гулчехра Муталова



чи кийим кечаклару, саҳна безакларини барчамиз биргаликда тайёрлаймиз. Ҳар бир синфдан танлаб олинган ўқувчилар дарслардан қолиб кетмаслиги учун бўш вақтлар эътиборга олиниб белгиланади. Баъзан қизиқарли, баъзан эса кўнглига оғир ботадиган ҳолатлар ҳам рўй беради. Бир гал қизик бўлди. Худойберди Тўхтабевнинг "Беш болали йигитча" асарини саҳналаштириш учун турли синфлардан ҳаваскор ўқувчиларни танлаб олдик. Улар орасида бир болани онаси йўқ етим бола ролига лойиқ топдик. Бир ой давомида унга етимлик ҳолатига қай тарзда киришни ўргатдик. Буни қарангки, у мен кутгандан ҳам кучлироқ равишда ролага киришиб кетди. Намойишдан бир кун аввал ўқувчиларнинг ота-оналарини ҳам премьерлага таклиф эдик. Халиги ўқувчи мендан опасининг ҳам келишини илтимос қилди. Эртаси куни, ишонасизми, шу бола ўз қаҳрамони сий-

бу ролни бермасдингиз-ку. Мен эса ичимда йиллар давомида армон бўлиб тугилиб ётган ва ҳеч кимга айтолмай юрган дардларим қобигида қолиб кетардим. Аввало, шундай образни яратган машҳур ёзувчига минг раҳмат" деб жавоб берди...

Ўтган йиллар ичида Саид Аҳмаднинг "Уфқ", Пиримкул Қодировнинг "Юлдуз ли тулар", Одил Ёқубовнинг "Улугбек хазинаси" асарлари ва бир қатор эртақ-ҳикояларни саҳналаштирдик. Яқинда эса яна бир улуг адиб Чингиз Айтматовнинг "Асрга татиғулик кун" асарини намойиш этиб, катта олқишларга сазовор бўлдик.

Бизнинг бундай ютуқларга эришяётганимизнинг сабаби — 2007 йилдан бери Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти билан ижодий ҳамкорликда ишляпмиз. Театр ҳафталиклари ва декадаларида фаол қатнашамиз. Ўз навбатида улар ҳам бизнинг

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

кунидаги ўқув курсларига таклиф этэди:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 2 ой. Нўқтали — 1 ой.
Торт ва пиширликлар — 2 ой.
Торт олий курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тиқиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тиқиш олий курси — 1 ой. **Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.**

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.
МУЎЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.
Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЖАЛ: Кўйлик кийим бозори рўпарасида.
Тел: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Азиз синглимиз
Маъмураҳон!

Сизни кутлуғ 60 ёшингиз билан табриклаймиз. Яратгандан сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Барча яқинларингиз ва фарзандларингиз бахтига соғ-омон бўлинг.

Эҳтиром билан яқинларингиз номидан Мурувват, Тўраҳон, Жўраҳон.

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

Ўқимашлик аччиқ илдининг ширин меvasидир.

*** Катта КАТОН

Кўп нарсани ўрганишдаги буюк санъат, бир йўла кўп нарсага кўл урмасликдир.

*** П.БУАСТ

ЭЪЛОНИ

Ташкент шаҳар, Юнусобод тумани ТСРҲИ томонидан 2011 йил 17 октябрдаги 007058-10-сонли РЕЕСТР рақами билан рўйхатдан ўтказилган, Юнусобод тумани, А.Темур — Эргашев кўчаси, 1-уй, 24-хонадонда фаолият юритган "MATBUOT RIVOJI" МЧЖ корхонаси ТУГАТИЛАДИ.

Даволат 2 ой муддат ичида қабул қилинади. тел: 235-11-94.

Бугунги Зумрадининг эртақ-хикояси:

— Мен эндигина саккиз ёшга кирганимда онам автохалокат туфайли оламдан кўз юмди. Уша кундан бошлаб мен учун ёп-ёруғ дунё қора ранга бўялди. Орадан саккиз ойча вақт ўтгач, дадам бошқа бир аёлга уйланди. Аввалгига у менга жудаям самимий муносабатда бўлди, қизим деб эркалаб, сочларимни ўриб қўяр, яхши кийинтириб, мактабга кузатиб борарди. Лекин кунлар ўтгани сайин у тез ўзгара бошлади ва нағадир мени ёмон кўриб бораверди. Унинг ҳам саккиз яшар ўғли бўлиб, мени калака қилиб урар, бу ҳолатни ўғай онам кўрса-да, эътибор бермасди. Аксинча, бу ҳақда отамга айтсам, аёвсиз калтаклашни айтиб қўриқтарди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, баъзи кунлари кун бўйи оч қолиб кетардим, она-бола бўлса овқатланиб ўтиришса-да, менга иш буюриб, ёнларига чақиримасди. Дадам ярим тунда ишдан қайтар, бу пайтда мен толиққанымдан ухлаб қолардим. Эрталаб яна ўша аҳвол: бир бурда нонни сумкамга солганча мактабга жўнардим.

Орадан икки йил ўтгач, ўғай онам ўғил туғди. Эсимда, у оғирроқ бўлган маҳалдан бошлаб уйимизнинг яқна хўжайини бўлиб олди. Дадам унинг бирор гапини икки қилолмас, мен ҳақимда нима деса ишонарди. Ҳатто бир гал ўғлини урганим ҳақидаги ёлгон сўзини эшитиб, мени аёвсиз калтаклади. Уша куни туни билан йиғлаб чиқдим. Ишонасизми, ёлғиз суянчиғим бўлган дадамдан ҳам тириклайин ажралганимни юракдан ҳис этганим сайин эзилардим.

Ўн ёшга кирганимда чакалоққа қараш, кирини ювиш, ҳатто овқат пиширишга ҳам мажбур эдим. Ўн икки ёшда тандирда нон ёпишинг ҳам уддасидан чиқдим. Бу ишларни қилмасам, ўғай онам менга кун бермасди. У мени ҳатто мактабга ҳам ҳар куни юбормасди. Ҳамшира бўлган синглицидан фойдаланиб, мактабимга касал бўлиб қолди деган маълумотнома олиб бориб берар, шу сабабдан ўқитувчиларим менга индамасди.

Йиллар ўтгани сари бошимга янада дахшатлироқ қўруғликлар тушди. Ўғай акамнинг курақда турмайдиган гап-сўзлари, ёмон қилиқлари жонимдан тўйдира бошлади. Бир куни бу ҳақда холамга айтдим. У киши мени ўзи билан олиб кетмоқчи бўлди. Шунда ўғай онам дадамга:

— Бу ёғини сўрасангиз, қизингиз холасининг ўғли билан учрашиб турармиш, бу ҳақда бутун маҳалла биларкан. Унинг холасиникига боришдан мақсади йилгитига янада яқинроқ бўлиш экан, — деса бўладими. Дадам жазавога тушиб, мени қаттиқ калтаклади. Шу кундан бошлаб уйдан қочиб кетиш ҳақида ўйлаб бошладим. Бир куни туман марказига, узоқ бир қариндошимизникига бориб, бўлган воқеаларни айтиб ётиб қолдим. Аммо улар ҳам мени тўғри тушунишмади. Эрталаб эр-хотиннинг шивирлашаётганини эшитиб қолдим. “Яхши киз бўлса уйдан қочармиди? Бошимиз балога қолиб кетмасин, уни тезроқ уйдан чиқариб юбориш керак”...

Улар гап очмасиданоқ секингина раҳмат айтиб жўнади. Ёнимдаги пулим пойтахтга боришимга етмасди. Шунинг учун шаҳарчадаги ошхоналардан бирига кириб, иш сўрадим. Кафе эгаси кўпни кўрган эиёлинамо аёл экан, мени ўша

куни уйига олиб кетди. Эрталаб ишлаб турган жойимга ҳалиги қариндошимизнинг хотини дадамини бошлаб келди...

Яна ўша гурбат ва азобга тўла уйга қайтишга мажбур бўлдим. Энди мен ҳамманинг наздида уйдан қочиб кетган ёмон киз эдим, лекин ҳеч ким мендан нега бундай қилдинг, бунга сени нима мажбур қилди деб сўрамади. Мен ҳаммани ёмон кўриб қолдим. Бир куни... сизни билмадим, лекин мен ўғай онамнинг отамга “Қизингизнинг ҳам бўйи етиб қолди, ортиқча харажатга бало борми, Зумрадингизни ўғлимга олиб берсак-чи” деганини эшитиб даҳшатга тушиб кетдим ва энди бу хона-

куни тутинган она мени ёнига чақириб: — Қизим, кеча Дилором опанг (аёлинг қизи) бир гапни айтиб қолди. Уларнинг ёнидаги компанияда ишлайдиган бир йигит сени суриштирибди. Анчадан бери кузатиб юраркан, жуда босик, акли қизга ўхшайди, агар рози бўлса совчи қўйсам, депти. Куёвим ҳам яхши танир экан, мақтабди. Ўзи... нима десам бўлади болам, уйланган экану, лекин фарзанд кўрмагач, ажрашишибди экан. Ҳам институтда ўқиб, ҳам ишлар экан. Асли сизлар тарафдан эмиш. Уй-жойи ҳам бор экан. Нима дейсан?

Жуда уялиб кетдим. Чунки ўша пайтгача у киши билан келганини ҳақимда бирон марта жўялроқ ўтириб гап-



ЎҒАЙЛИК БАЛОСИ

дон менга бутунлай бегона эканлигини англаб, дадамнинг тўплаб қўйган пулларидан олдим, тўғри Тошкентга жўнаб кетдим...

Мусофирлик курсин, бегона шаҳарда бир неча кун жой тополмай тентираб юрдим. Эрта баҳорнинг совуқ кунлари бўлгани учун энгил кийимда дийдираганча ўнлаб хонадонлар эшигини қоқиб, бошпана сўрадим. Охири бир аёлнинг менга раҳми келиб, уйига киритди. Онам тенги бўлган хотинга бошимдан ўтган аламли кечмишни айтиб бердим. У аввалгига менинг гапларимни бепарво эшитди-да, кейин ётишга жой кўрсатиб, ўзи бошқа хонага кириб кетди. Эртаси куни сахар маҳали бошимга келиб, кўзлари ёшланганча, мени кучоқлади.

— Қизим, бир гапни айтсам, ишонмайсан. Умримда кўрмаган онам шу кеча менинг тушимга кирибди. Менга ялиниб, ёлвориб сенга ёрдам беришимни сўради. Балки Оллоҳнинг ўзи сени менга йўлагандир. Не бўлсаям энди иккимиз она-бола тутиндик. Менга ҳамма нарса етарли. Эрим беш йил бўлди, оғир касалликка чалиниб қазо қилган. Қизим билан куёвим супермаркетда ишлайди, ўшаларнинг ёнига борасан. Ҳаммасини унут, насиб этса тўйларингни қиламиз, бахтли бўласан!

Онахоннинг ўзи мени айтилган жойга етаклаб борди. Улар ҳам жуда очикқўнғил одамлар экан. Мен шу кундан бошлаб тил ўрганиш курсига қатнай бошладим, кейин ҳисобчиликка ўқидим. Олти ойдан кейин каттақон дўқонда сотувчилик қила бошладим. Ҳаётим бутунлай ўзгарди.

Орадан икки йилча вақт ўтди. Бир

лашмаган эдик-да.

— Билмасам ойишон, ҳали бу тўғрида сира ўйламабман ҳам. Ихтиёрим сизда, бу ерда сиздан бошқа ҳеч кимим йўқ, — деса олдим холос.

Бир ҳафтадан сўнг уйимизга совчилар келишди. Кейин Мухаббат опа (тутинган онахоним) куёвнинг ота-онаси билан танишиб келгани водийга бориб келди. Тез орада тўй кунимиз ҳам белгиланди. Қўчамизда ёр-ёр садолари янграб, ҳовлига куёвнавкарлар кириб келганида ўқраб-ўқраб йиғладим. Нега десангиз, ўзим тўғилиб ўсган уйимда бир бешафқат ўғай онанинг зугумларидан қочиб келган қизни бутунлай бир бегона аёл ўзи туққан қизидай ўзга хонадонга узатаётгани учун Яратганга жимгина ҳамду сано айтиб, барибир бу дунёда ёмонлардан кўра, яхши одамлар кўплигига иймон келтирдим.

Анвар акам мени еру қўкка ишонмас, бошимдан ўтган қўруғликларни билгани учун кўнглимга қараб авайларди. Икки йилдан сўнг ўғлимиз туғилди. Бизлардан кўра қайнона-қайнотамнинг суюнганини айтмайсизми?

Бахтдан масрур эдим. Аммо, нима десам экан, куну тун юрагимни аламли бир армон эзарди. Қандай бўлмасин, дадамини бир марта кўришни истардим. Бу ҳақда турмуш ўртоғимга айтдим, у киши ҳам бахонидил рози бўлди. Қайнона-қайнотам, эрим, ўғлим ва мен биргаликда ота уйимга қараб йўл олдик. Биласизми, ўзим ўйнаб ўсган кўчага кириб бораялман, ўғай онам мени қандай қарши олишини ўйлардим. Дадам мени кечирармикан, деган савол дилимни эзарди.

Нихоят, кишлогимизга кириб келдик.

Буни ҳаёт дейдилар

Қадрдон дарвозамизга яқинлашганимиз сайин юрагим қинидан чиққудай потирларди. Рангим оқариб кетганим, Анвар ака бир неча марта «Зумрад, тузуқмисан, ўзингни қўлга ол», деди.

— Ана, бизнинг ҳовлимиз, — дедим титроқ товушда.

Машинадан биринчи бўлиб мен тушдим. Кетаётганимда баҳайбат бўлган дарвозамиз ҳозир назаримда кичкина ва гариб эди. Аста очиб, ичкари мўраладим. Ичкаридан ўғай онамнинг овози эшитиларди:

— Ергина ютгур, Даврон (ўғай акам) яна сандиқнинг қулфини бузибди. Шу болани сиз йўлга соллолмадингиз. У сиздан ўрнак олди. Ичувчи отанинг боласи нима ҳам бўларди, пиёниста бўлади-да! Бу уй эмас, гурбатхона! Жонимдан тўйдим. Ҳой, нима қилиб алчайиб ётибсиз? Уйда бир кафт гуруч, бир донаям пиёз йўғу, сизнинг ётишингизни қаранг. Уф, одамнинг ҳар бало бўлгани яхши. Тур-е, ифлос, сен ҳам эркакмисан?!

Ўғай онам дадамини супурги билан урар, маст бўлиб ётган одам ўзини сира эплотмасди...

Турган жойимда туриб қолдим. Ичкари киришни ҳам, ортимга қайтишни ҳам билмасдим. Йўқ, ўзимни тутиб туролмадим.

— Дада, дадажон, мен Зумрадман! — дея у киши ётган томонга юрдим.

Дадам овозини эшитиб бироз хушёр тортиди, ўрнидан арағ туриб менга термулди.

— Зумрад... Болам, ўзингмисан? Сенмисан, қизим? — дадам тезроқ ўрнидан туриб мен томон келишни истар, аммо ўзини ўнглолмасди.

— Ҳа, менман, дадажон! — ўзимни дадамнинг бағрига олдим. Ичкилик ва тамакиннинг бадбўй ҳиди орасида менга таниш бир бўй ҳам бор эди. Ота-бола анча пайт бир-биримизни кучоқлаб йиғладик. Кейин...

— Вой-вой, бу бузуқ қаердан келиб қолди? Тирик экан-ку! Ҳов, бир пайтлар отангни тириклайин ерга тиқиб кетувдинг-ку, энди қайси юз билан келдинг, бу ерга? Вой, манавини ясашиб, тиллаларни тақиб олганини-чи! Буларнинг ҳаммасини ҳаром иш қилиб топдингми? Бу юришингни биров кўрмасин! — ўғай онам жаврашдан тўхтамасди.

— Зумрад, мени кечир, қизим, ҳаммасига мен айбдорман, — деб кўзларидан дув-дув ёш оқарди дадамнинг.

— Ҳа, кўрнамак қизинг энди яхши бўлиб қолдими?!

— Оғзингизга қараб гапиринг, синглим, — бу қайнотамнинг овози эди. У киши дадамнинг ёнига бориб:

— Ассалому алайкум, қуда. Биз сизга шундай яхши қиз тарбиялаганингиз учун раҳмат айтгани келдик.

— Қуда?..

— Қани, ўрнингиздан туринг, сизни Тошкентга олиб кетамиз, — дея қайнотам дадамини тургазиб, кўча томон етаклади.

Шундай қилиб, отамни уйимизга олиб қайтдик ва узоқ вақт клиникада даволатдик. Тузалиб чиққач, қайнотамнинг чойхонасида хизмат қила бошлади.

— Ўғай онангни-чи, ундан бирон хабар йўқми?

— Билмадим, эшитишимча, ўғли ўғирлик устида қўлга тушиб қамалибди, ўзи эса девонасифатроқ бўлиб қолгани етмагандай, кичкина ўғли билан уйимизни ҳам арзон гаровга пуллаб, қаергадир кетиб қолганмиш...

**Зумрадининг эртақ-хикоясини
Шахло ИСМОИЛЖОН қизи оққа
кўчирди.**

ҚАРЗ

Боласининг дорисига қийналай қолган аёл қариндошининг қарз сўради. Ортиқча пуллари йўқлигини эшитиб, тилла узугини сотмоқчи эканини айтгудай, ҳозиргина ўзини бировдан қарздормиз, ўламан саттор, деб турган хотиннинг кўзлари катта-катта очилиб:

— Вой, шошманг, агар арзонроқ берсангиз ўзим ола қолман, — деди.

“А” ВА “Б”

Бир пайтлари бизлар ўқиган замонларда “А” ва “Б” синфларга болалар мактаб директори билан бошланғич синф мудирининг дидига қараб бўлинар эди.

“А”чилар — сайланмалар, “Б”чилар — сайландилар эди. Ушанда оддий мактаб ўқитувчисининг фарзанди бўлган мен иккинчисига лойиқ қўрилган эдим.

Сайланмачиларнинг кимнинг насл-насабидан бўлганини орадан ўтган эллик йил ҳам ҳали ҳамон баралла исботлаб турибди...

БИР УМРЛИК МАОШ

— Сиз ошпазмисиз? — деб сўради тили чиққан неварам ошхонада куйиб-пишиб овқат тайёрлаётганимда.

— Ҳа, болам, шу уйнинг ошпазмисан.

— Унда сизга ойликни ким беради?

— Мен ойлик эмас, умрлик оламан. Яратган Эгам ҳаммасини қўшиб, бир беради, худо хоҳласа, — дедим унга кула-кула...

Гулсара ИСМОИЛОВА



ИХТИРОЛАР "ҚИРОЛ"И

Мақтабга борганига эндигина уч ой бўлган етти яшар Томасни ўқитувчиси уйига қайтариб юборади ва кўлига бир энлик хатни тутқазиб, ота-онасига бериб кўйишини тайинлайди. Бу хатда боланинг характеридан бешиб кетган оҳангдаги бир қанча жумлалар битилган. Бир сўз билан айтганда, Томаснинг ниҳоятда қолоқлиги ёзилган. Аслида ўқитувчиларнинг жонига тегиб кетган нарса шу эдики, болакай Томас уларга "Нега? Нега?" деган саволларни беришдан ҳеч чарчамасди.

Хуллас, болакай устозларининг жонига тега-тега борлик-табиат тилсимотларини ўрганиб борди. Физика ва кимё фанларини яхши ўзлаш-



тириб, ўзи ҳам янги нарсалар ихтиро қилиш, фан сирларини кашф қилиш устида астойдил бош қотира бошлади.

Томас камбағал оилада улғаяди. Аммо унинг ихтироичидик қобилияти шу қадар юқори эдики, оддий ҳаракатлардан ҳам недири бир янгилик ўйлаб топарди. Бир куни бадавлатроқ ўртоғининг уйига ўйнагани борди. Бироз зериккач, бир бўлак пўлат симни бармоқлари орасида айлантириб ўтиради-да, қандай қилиб пул топшиш мумкин, деб узоқ бош қотиради. Ва ниҳоят, ўзи ўйнаб ўтирган симдан оддий тўғноғич ясаб кўяди.

Йиллар ўтиб ўша серсавол болакай мимеограф, яъни трафаретли чоп этиш машинасини, телефон учун кўмирли микрофон, фонограф, электр чироқчаси, магнитли руда сепаратори, радио учун вакуумли лампа, диктофон, товушларни ёзиш мосламаси, руда қазиб олиш машинаси, кимёвий фенол препарати, электр таъминотининг уч фазали тизими, ерости электр тармоғи, темир йўл электровози, чироқ ёқиш мосламаси ва чироқ учун патрон, сим тўғноғич, ўсимлик толасидан синтетик резина олиш услуби каби ўнлаб ихтиро ва кашфиётларни амалга оширган машҳур олим Томас Эдисон бўлиб дунёга танилди.

Сиз ҳам саволкаш болангизга эътиборсиз бўлмагн. Балки келажакнинг буюк инсонини сизнинг хонадонингизда улғаяётгандир.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

ОНАМНИ ИШОНТИРГАН ЭДИМ

Очиғи, ота-онамнинг қистови билан тахриратингизга келдим. Ёлғиз ўғлим билан яшайман. Турмуш ўртоғим бундан 19 йил олдин вафот этган. Улар билан кам муддат яшаган бўлсам-да, жуда қаттиқ боғланиб қолган эдим. Раҳматли эрим, жуда олижаноб, маънавий ятли инсон эди. Шу сабаб қайта турмуш қуришни истамадим. Ўғлимга кўлимдан келганича яхши тарбия беришга ҳаракат қилдим.

Уйдағиларим ҳар доим "Шунча йил ёлғиз яшаганинг етар, оила қуриб, бахтли бўлганингни кўрсак, армонимиз қолмасди", дейишади. Онам бир йили касал бўлиб ётганларида "Менга турмуш қураман, деб ваъда бер", деганди. Мен ўшанда уларнинг кўнгли учун рози бўлганман. Энди эса ҳар доим гаплашганимизда, "Ваъдангни устидан чиқмайсанми?", дейдилар. Шу сабабли бу ерга келдим.

"Оила ва жамият" газетасининг ҳар бир сонини ўқиб боришга ҳаракат қиламан. "Бахтли бўлинг" рукнида ёритилаётган тақдир соҳиблари орасида менга муносиби топилса, турмуш қурмоқчиман.

Ёшим 37 да. Бир нафар ўғлим бор. Маълумотим олий. Давлат ташкилотларидан бирида ишлайман. 40 ёшгача бўлган зиёли, иши тайин, Тошкент шаҳрида яшовчи инсон билан ҳаётимни боғлаш ниятидаман.

ЗИЛОЛА,
Тошкент шаҳри

ҚАРИГАНДА ҚАДРИ БИЛИНАРКАН

"Ўттиз йил мактабда ўқитувчи бўлиб ишладим. Хозир нафақадан", деб ёзади ўз мактубида хоразмлик Раҳимжон ака.

Ёшим 62 да. Рафиқам бундан тўрт йил олдин вафот этган. Фарзандларимнинг ҳаммасини уйли-жойли қилганман. Барака топишсин, ёлғизлатиб кўйишмайди. Қишлоқда турганимиз боис, деҳқончилик қиламиз. Ҳалол меҳнатимиз туфайли ҳеч кимдан кам жойимиз йўқ. Кенжа ўғлим ва келиним билан бирга яшайман. Шуларнинг борига шукур. Лекин барибир сўққабошлик қийнапти. Ёлғизликни бошидан ўтказган одамгина билади. Қариганда ёнингда

ган, мени тушуниб яшайдиган умр йўлдош топишга ёрдам берсангиз.

РАҲИМЖОН ака,
Хоразм вилояти.

ИККИ ҚИЗИМ УЧТА БЎЛДИ

— Алло, мен Бухородан Абдубоки акамдан Икки ойча илгари тахриратингизга боргандим.

— Танидик, яхши юрибсизми? Санобар опанинг телефон рақамини олгач, кўнгириқ қилмай кўйдингиз.

— Шу ўтган икки ой мобайнида Санобархон билан яқиндан танишиб олдик. Феълимиз, дунёқарашимиз бир-бирига тўғри келди. Омадимни қаранг, Санобархон ҳам асли бухоролик экан. Касбимиз ҳам бир хил. Менга тахриратга боришни маслаҳат берган дўстларимга минг раҳмат! Олдинига 50 ёшимда кимни ҳам топардим, деб кўнмаган эдим. Энди эса хурсандман.

Хуллас, менинг икки, Санобархоннинг ёлғизгина қизини бир жойга тўплаб учраштирдик. Санобархон менинг қизларимга маъқул бўлди. Унинг қизи ҳам болаларим билан тез тил топишиб кетди. Энди икки қизим учта бўлди. Катта оила бўлиб яшагача аҳд қилдик. Бизларни бир-биримиз билан учраштирганларингиз учун сизларга каттадан катта раҳмат дейман!

АБДУБОКИ ака,
Бухоро вилояти.



ҳамсубҳат, суянчиқ бўладиган инсонни истаб қолар экансан. Болаларим ҳам уйланишимга рози бўлиб туришибди. Шу сабабли сизларга мактуб йўллаяпман. Керакли барча ҳужжатларни юбордим. Ёрдамингизга муҳтожман. Иложи бўлса, ёшимга мос, оилани муқаддас билади-

ТАХРИРАТДАН:

"Бахтли бўлинг" рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан), соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Табиат — дорихона

КЎК ЧОЙНИ КЎП ИЧИНГ!

Биз ҳамиша севиб истеъмол қиладиган кўк чойнинг ажойиб хусусиятлари кўп. Бу ичимлик одамни нафакат тинчлантиради, балки руҳиятни тетиклаштириб, қон босимини ҳам бир меъёрга туширади. Бу ўсимликнинг саратон тўкималарини бартаф этишда, юрак қон-томир касалликларининг олдини олишда ҳам нафи катталиги исботланган.

Японларнинг кўк чой ичиб, соя ва денгиз маҳсулотларини истеъмол қилишлари уларнинг узок умр кўришлари гарови эканлиги сир эмас. Хусусан, кўк чой организмда модда алмашинувини яхшилашга, соя юрак ва с у я к л а р н и химоялайди. Денгиз маҳсулотлари эса фтор ва йод билан бойитилган.

Бош оғриётганда. 1 чой қошиқ кўк чой, 0,5 чой қошиқ занжабил ва 1 чой қошиқ ялпиз кўшиб, 1 стакан чой дамланг. Бу хушбўй чойни 3 бўлак қанд билан ичсангиз кайфиятингиз янада кўтарилади. Қарабиски, оғриётган бошингиз тузалади.

Сочни мустаҳкамлаш учун. 2 ош қошиқ кўк чойни 250 мл. қайноқ сувга солиб, 10 дақиқа тиндириг. Сочингизни ювиб бўлган, ушбу дамлама билан чайинг. Шунда сочларингиз ҳар доимидан ҳам хилоланиб, ўзгача кўринишга эга бўлади.

Кўзларга компресс. Кўк чой кўз толиқининг давоси. Негаки унинг антисептик хусусияти бор. 2 дона па-

кетчали кўк чойни 3 дақиқа давомда қайноқ сувга солиг. Иликлигида 15 дақиқа қоқоқлар устига кўйинг. Бир зумда кўз толиқини тарқаб, ўз ҳолига келади.

Юзингизга ниқоб. 1 чой қошиқ кўк чойга 2 ош қошиқ творог, 1 ош қошиқдан асал, зайтун ёғи ва олма сиркаси аралаштириб, ниқоб тайёрланг. Ниқобни юзингизга суртиб, 20 дақиқадан сўнг илик сувда чайинг. Ушбу ниқоб юз терисини тиниқлаштиради.

Бадан учун скраб. 0,5 чой қошиқ зайтун ёғи, денгиз тузи ва 2 ош қошиқ кўк чойни аралаштиринг. Бу скрабдан душ қабул қилаётганда фойдаланинг. Зайтун ёғи таркибда антиоксидантлар, денгиз тузида микроэлементлар мавжуд бўлиб, улар тери учун жуда зарур.

Оёқлар чарчаганда. Тоғорачадаги иссиқ сувга кўк чой барглари аралаштиринг. Сўнгра дамламага оёқларингизни солиб, 20 дақиқа ўтиринг. Бу муолажа оёқлардаги чарқоқни кетказди.

Оёқ терлаганда. Кўк чой дамлаб, унинг бугига оёқ тутулса, терлашни бартаф этади. Кўк чой шамаси билан оёқни компресс қилиб, пайпоқ кийиб ётиш ҳам мумкин.

Тозалик учун. Эшик ва ромларни тозалашда ҳам кўк чойнинг нафи бекиёс. 2 ош қошиқ чойни 1 литр қайноқ сувга солиб, дамлама тайёрлайсиз. Сўнгра мато бўлагини дамламага ботириб, тўқ ранглардаги ёғоч эшик-ромларни артиб чиқшингиз мумкин.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади.

Фойдали МАСЛАҲАТЛАР

● Кирланган соябонингизни ювиш имкони бўлмаса, идиш ювадиган мочалкани спиртга ботириб, доғ жойларини артиб чиқинг.

● А ва Е витамини танқислиги сочларингизда қазғоқ ва оқ толалар пайдо бўлишга олиб келади. Шунинг учун ҳамиша таомномангизга ушбу витаминлар мавжуд бўлган маҳсулотларни қўшиб боришни қанда қилманг.

● Ортиқча ваздан қутулмоқчи бўлсангиз, лавлагини пиширилган ҳолда кўпроқ истеъмол қилишни тавсия этамиз.

● Киприкларингиз сийрак ва синувчан бўлиб қолишини истамайсиз, албатта. Бунинг учун эса ҳеч қачон макияж билан уйқуга ётманг.

● 1 ош қошиқ ўсимлик ёғига 1 дона тухум оқини аралаштиринг. Сўнг ушбу ниқоб билан кўлларингизни уқаланг. Шунда улар нафакат оқаради, балки юмшоқ ва майин ҳолатга келади.

● Тунда юмшоқ кўрпа-тўшакда эмас,

аксинча қаттиқроқ жойда ухлаган маъқул. Негаки, юмшоқ жойда соғлиққа салбий таъсир кўрсатади.

● Бугдой унидан тайёрланган нон ва нон маҳсулотлари инфарктагача чалиниш хавфини пасайтиради ва кексайганда пайдо бўладиган айрим касалликларнинг олдини олади.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади

Алишер ҚОБИЛОВ,
бешиксоз уста, "Жасорат" медали соҳиби:

ҲАР БИР ҲАҚИДА ЧАҚАЛОҚЛАР ҲИҒЛАСИН!

Манбаларда гувоҳлик берилишича, бешик ҳақидаги илк маълумотни Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғотит турк" асаридида учратиш мумкин. Яна таъкидлаш кераки, бу фаройибот фақатгина Ўрта Осиё халқларигагина хос эканлиги билан ажралиб туради. Ҳўш, бу "митти гўша"нинг сир-синаоти борми, у қандай пайдо бўлган ўзи?

Бугунги суҳбатдошимиз Алишер Қобилов — бешиксоз усталарнинг тўртинчи авлоди. Биринчи гуруҳ ноғирони. Лекин тўрт мучаси соғман деб юрганлардан фарқи ўлароқ, қирқ йилдан буён эл-улус хизматида. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрами арафасида Ўртбошимиз Фармонида биноан ёғоч ўймакори, уста хунарманд Алишер Қобилов "Жасорат" медали билан тақдирланди.

— Алишер ака, бу мураккаб касбни қандай танлагансиз, қийинчиликлардан кўркамганмисиз?

— Отам Абдухуббор Қобилов 42 йил терапевт-шифокор бўлиб ишлаганлар. Бешиксозлик сирларини оталари Қобил бободан ўрганган бўлсалар, ўз навбатида бу хунарни оталари Расул хожи бобомиз ўргатган эканлар. Бешиксозлик бизга авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Шунинг учун қачон, қандай ўрганиб қолганимни изоҳлашга қийналаман. Чунки бу оилавий мерос. Уни кимдир давом эттириши шарт, бўлмаса ризқимиз бутун бўлмайди.

Ўзим бешиксоз бўлганим боис, унинг тарихига ҳам қизиқиб кўрганман. Лекин шу пайтгача, ҳали бирор бир манбада у қачон, қаерда яратилгани ҳақида аниқ бир маълумотни тополмадим. Лекин шуни ишонч билан айтишим мумкинки, бешик бизга Одам Ато, Момо Ҳавомиздан мерос қадриятдир. Бугун тараққиёт даврида яшапмиз. Ҳаммаёқда ўзгартиш, янгилик. Ҳатто бола йиғласа ўзи тебратадиган, керак бўлса, чақалоқнинг тагини қуруқлаб кўядиган каравотчаларгача ихтиро қилинди. Лекин ким айтди, бизнинг ёғоч бешикларимиздан ўтадигани борми улар орасида? Афсуски, йўқ!

— Айтинг-чи, узоқ чидайдиган, бақувват бешиклар қандай дарахтлар ёғочидан ясалди?

— Азалдан мевали дарахтлардан тайёрлашга алоҳида эътибор берилганлиги маълум. Аввало, бундай бешикда улғайган жажжи чақалоқ бир кун келиб, худди шу дарахтдек сермева, яъни серфарзанд бўлсин, деган эғзу нияти яширинган бўлса ажабмас. Шунингдек, бешикнинг айрим қисмлари тут, тол, акация каби дарахтлардан ҳам ясалди. Яна бир қизиқ жиҳати, ёғоч бешик ясашга ишлатиладиган дарахт йилнинг маълум бир даврида қирқилади. Масалан, тол беш ёшга тўлгандан сўнг, ўн бешинчи апрелдан-ўн бешинчи майгача кесилади. Кейин махсус усулда қурилади. Аниқроқ айтсам, апрель-май ойларида кесилган дарахт ёғочларидан

сентябрга келибгина бешик яшаш мумкин.

— Бешикларга чизиладиган ранг ва безакларни чизишдан мақсад нима?

— Уларнинг фойдали томонлари жуда кўп. Лекин асосийси, безаклар гўдакка рангларни ажратишни ўргатади. Ўймакорлик нақшларининг ҳар бирига алоҳида таъриф тавсиф бериш мумкин. Ҳар бир устанинг ўзи севган нақш ва ранглари бўлади. Қолаверса, хайдорлар ҳам ўз дидига мос услубда тайёрланган бешикларни олгиси келади.



— Узр энди, яна бир ноқулайроқ бўлса-да савол бермоқчи эдим: айтишларича, бозорларда фақат бешикни савдо қилинмас экан, яъни баҳосини сўраш ёки айтиш ноғир саналаркан. Бунинг боиси нимада? Сиз ҳам ҳеч шундай ҳолатга дуч келганмисиз?

— Йўқ, нега энди ноқулай бўларкан, аксинча жуда ўринли савол бу. Билмаганлар билиб кўйсин, айниқса ёшлар! Шунинг ўзи ҳам бизнинг халқ маънавияти бобиди нақадар улғў қадриятларга эга эканлигини аналатади. Албатта, айримлар билиб туриб, айримлар эса билмасдан бешиклар нархини сўрайди. Мен бўлсам, аввал эшитмаганга олиб, жим туравераман, кейин секингина хижолатомоу оҳангда "Билмадим, кўнгилдан чиқариб бераверинг" деганимдан сўнг халиги харидор бирданга хўшёр тортади.

Бобомдан, отамдан ва бошқа кексалардан кўп марта эшитган ибратли гапни яна тақдорлашни истардим. Бешикни савдо қилиш, нарх-навоси устида тортишиш... Оллоҳ сизга ато этган фарзандни савдолашиш билан баробар эмиш. Бу эса бизга умуман тўғри келмайди. Баъзан чет эллик меҳмонлар

Одамлар орасида

устахонамизга келиб, бешикларимиз билан қизиқади. Ушандаям таржимонга бизнинг ўзбеклар ҳеч қачон бешикни нархламаслигини айтишга дейман, бу гапни эшитган сайёҳлар ҳайрон қолади. Кейин сабабини батафсил изоҳламан, улар кўлларини кўксига қўйиб раҳмат дейишади. Бу бешикларни ўз юртиларига олиб кетганлариям бор.

Шу ўринда қаҳрамонимизнинг биридан ихчам, чиройли, қулай, замонавий каравотчалар барибир ёғоч бешикнинг ўрнини босолмайди, деган фикрини шарҳлашни мутахассис-шифокорлардан ҳам сўрадик.

Мавлуда Рустамова,
Ҳамза туманидаги 29-оилавий
поликлиника болалар бўлими мудири:

— Ҳақиқатан ҳам гўдакнинг тинч ухлаши учун бешик қулай. Чунки, каравотда ухлатилган чақалоқ беҳиштиёр оёқ-кўлларини қимирлатиб, бирданга уйғониб кетиши мумкин. Оналар шуни унутмаслиги кераки, иссиқ ёз пайтида бешик анжомлари юпқа сурпдан тикилган маъқул. Агар бешик ёпқичлари сунъий матоддан тикилса, у ҳаво ўтказмайди ва бола нафас ололмай қийналади. Бешик ичидаги ҳарорат уй ҳавосидек бўлсин. Бешикда ётган боланинг таги доимо қуруқ туради, у тинч ором олади, шунингдек, қомати тик, соғлом улғаяди. Аммо бош мия гипертонзияси (калла ичи босими) баланд бўлиб тўғилган чақалоқларнинг бешикда ётиши тавсия этилмайди. Негаки, бешикни тебратганда мия ичи босими (черепной давление) кўтарилиши мумкин. Баъзи аёллар боласини кун бўйи бешикка боғлаб қўйишади, бу ҳам нотўғри. Гўдакни ҳар икки соатда бешикдан ёчи олиб, эркин қўйиш, кийинтириб каравотчага ётқизиш мумкин.

Саида опа, харидор:

— Менинг уч фарзандим ҳам бешикда улғайган. Энди неварамга бешикка келдик. Аввало, беланган бола кўлга ўрганиб қолмайди. Чунки чақалоқ кўп кўтариб юрмаса, кейинчалик ҳам шундай эътиборталаб бўлиб қолади. Таги ҳамиша қуруқ тургани учун тунда ҳам тинч ухлайди. Шунингдек, чайқалаётган бешик бир неча дақиқа ўз инерцияси билан ҳам тебраниб туриш хусусиятига эга. Бундан ташқари, қовузда ётган боланинг умуртқа суюқлари текис бўлади, памперсга кетадиган харажат ва таглик ювишга кетадиган вақт тежаллади. Фойдали томонлари, чақалоқ бешикда ётганда юз тубан ўгирилиб қолмайди, қўли билан юз-кўзини тирнаб, жароҳатламайди, бармоғини оғзига солиб сўрмайди. Бешикнинг ички иқлими доимий ҳарорат мўътадиллигини сақлаб, гўдакнинг исби кетиши ёки совуқ қотишига йўл қўймайди.

Ҳаётнинг турли хил машаққатли синовларини мардона энгиб яшаётган Алишер ака Қобилов ҳамиша одамлар орасида ўзини бахтли ва шодмон сезади. "Мен нолиган, ношукрлик қилган одамларни кўрсам, ачинаман. Нега десангиз, шундай жаннатмонанд, тинч-осойишта, обод ва фаровон юрда яшаётганимизнинг ўзи саодат эмасми? Биласизми, бешиксоз усталарнинг нияти ҳамиша ёғу бўлади. Мен ҳам сўзимнинг охирида, келинг, яҳши бир ният қилайин: илоё, ҳар бир хонадондан куну тун чақалоқлар йиғиси эшитилсин!

Шоҳида МАМАДАЛИЕВА,
журналист.



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

БОКСЧИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Акмалбек Қосимов олтин медални кўлга киритди.

69 килограмм вазн тоифасида иштирок этган Акмалбек анча муваффақиятли иштирок этиб, дастлабки жангда Янги Зеландия вакили Давид Нийкани иккинчи раундда, навбатдаги беллашувда грузиялик Константин Хвистанини 12:6, чорак финалда қозогистонлик Айтжан Шлеевни 16:9, ярим финалда хитойлик Жиди Жаннни 17:14 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Финалда украиналик Артём Соловьёвни ҳам енгиб, жаҳон чемпионлигини кўлга киритди.

Ушбу вазн тоифасида украиналик Артём Соловьёв кумуш, хитойлик Жиди Жанг ва туркиялик Усмон Ойдин бронза медалини кўлга киритди.

Бокс бўйича ёшлар ўртасида мамлакатимиз чемпиони Муроджон Ахмадалиев вазни 49 килограмм бўлган боксчилар баҳсида франциялик Маркус Геванини 17:16, венецуэлялик Робертсон Перезни 26:15, чорак финалда мўғулистонлик Гандулам Мунгун-Эрденени 24:14, ярим финалда филиппинлик Жейд Борнеани 24:15 ҳисобида енгиб, шохсупанинг иккинчи погонасидан жой олди.

Биттадан олтин ва кумуш медални кўлга киритган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллади.

ШАХМАТ. Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида давом этаётган "Rose Valley Open International Chess Tournament - 2012" халқаро турнирида ўн олти давлатдан 100 нафар шахматчи голиблик учун дона сурмоқда. Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган гроссмейстер Марат Жумаев еттинчи турда мезбонлар вакили Сванпил Дхопаде билан дуранг ўйнаб, беш очко жамғарган ҳолда пешқадамлар сафида бормоқда.

КАРАТЭ. Латвиянинг Рига шаҳрида ашиҳара-каратэ бўйича ўтказилган Евросий чемпионатида ҳамюртимиз Самандар Эралиев шохсупанинг энг юқори погонасига кўтарилди. Яна бир спортчимиз Зайнобиддин Ҳамидинов эса бронза медалини кўлга киритди.

МУАЙТАЙ. Ҳамюртимиз, муайтай бўйича жаҳон чемпиони Юсуф Иброҳимов Россиянинг Новосибирск шаҳрида профессионал муайтайчилар ўртасидаги халқаро турнирда россиялик Семён Шелеповни иккинчи раундда нокаутга учратиб, голибликни кўлга киритди.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларнинг қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлбизмалар муаллифларга қайтарилмайди.
Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 15:00
Босишга топширилди - 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бosh муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Нигора РАҲМОНОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусаҳҳихлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темуру кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1228. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ.
Адади — 6173. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

12 145